ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК – ФАРОВОН ҲАЁТ ГАРОВИ

Т.Т.МАДУМАРОВ

В статье рассматривается роль семейного предпринимательства в экономическом развитии и повышении благосостояния населения. Освещены законодательно-правовые основы ведения данного вида деятельности, политика в данной области экономики.

The article discusses the role of family proprietorship in economic development of the society and improvement of living standards of population. The author tries to explain the essence of legal basis of this type of proprietorship and the government policy in this field of economy.

Президентимиз Янги йил табригида 2013 йилга "Обод турмуш йили" деб ном берилиши замирида Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар қайси оиланинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш, шаҳар ва қишлоқларни янада обод, ҳаётни янада фаровон этишга қаратилган амалий интилишлар мужассам экани, бу йилда иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари камида 8 фоиз бўлишига эришиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини кенг қўллаб-қувватлаш, маҳалла ваколатларини янада кенгайтириш бўйича бошланган ишлар давом эттирилишини айтдилар [1]. Турмуш ободлигини таъминлашда иқтисодиётнинг ўсиши, хусусан, тадбиркорликнинг ривожланиши нечоғли катта аҳамиятга эга эканлигини мустақиллик йилларида эришган ютуқларимиз яққол кўрсатиб турибди. Тадбиркорликни ҳар жиҳатдан қўллаб қувватлаш, унинг миллий турмуш тарзимизга мос турларини йўлга қўйиш орқали кенг оммани иқтисодий фаолликка жалб этиш давлатимиз иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айланган. Президентимизнинг “Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш мамлактимиз тараққиётининг асосий мезонидир” номли асарида бу борада яна бир оят муҳим ташаббус олға сурилди: “Ўйлайманки, бугунги кунда кичик бизнес ва тадбиркорликни кенгайириш учун **бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий бизнесни қонуний белгилаб қўйиш вақти келди.** Мамлакатимизда бизнесни ташкил қилишнинг ушбу шакли бизнесни юритишда юзага келган миллий анъаналаримизга, хўжалик юритиш фаолиятининг мавжуд ҳолатига тўла мос келади. Ишончим комилки, бундай бизнесни ташкил қилишнинг қонунчилик базаси яратилса, оилавий бизнеснинг ҳуқуқий кафолатларини кучайтириш, иқтисодиётнинг турли соҳаларида унинг жадал ва кенг ривожланиши ва янги ишчи ўринларининг очилишига шароит туғилади” [2.100-101].

Бу ўринда, биринчи навбатда, оила институтини мустаҳкамлаш билан қонунчилик ва ҳуқуқий базани янада ривожлантириш ва такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор берилганини таъкидлаш лозим.

Бугун замон талаб этаётган оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий нормаларни шакллантириш борасида бир қатор ишлар қилинди: оила кодексига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилгани, “Васийлик ва хомийлик тўғрисида”ги ва бошқа қонунларнинг қабул қилингани шулар жумласидан.

Мамлакатимизда янги молиявий институтларнинг пайдо бўлиши тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини ўстириб бориш, кам даромадли аҳоли қатламининг кредит ажратмалар орқали тадбиркорлик билан шуғулланишига ёрдам бериш, қишлоқ жойларда тадбиркорлар сафини кенгайтириш, иш билан бандликни таъминлаш каби мақсадларга эришишнинг омилидир.

Оилавий тадбиркорлик жисмоний шахсларнинг юридик шахс ташкил этмаган ҳолда юритиладиган биргаликдаги фаолияти бўлиб, эр-хотин томонидан уларнинг биргаликдаги умумий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган умумий мол-мулк негизида амалга оширилади. Оилавий тадбиркорлик эр-хотиннинг ва уларга кўмаклашадиган оила аъзоларининг шахсий меҳнатига асосланади. Оилавий тадбиркорлик субъекти қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда эр-хотиндан қайсисининг номига рўйхатга олинган бўлса, у оилавий тадбиркорлик субъекти номидан иш олиб боради. Якка тартибдаги тадбиркорни давлат рўйхатига олиш вақтида бериладиган гувоҳномада якка тартибдаги тадбиркорлик оилавий тадбиркорлик шаклида амалга оширилиши кўрсатилади. Якка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатига олингани ҳақидаги гувоҳномада тадбиркорлик фаолияти оилавий тадбиркорлик шаклида юритилиши тўғрисида ёзув бўлмаган ҳолларда, оилавий тадбиркорлик субъекти бошлиғи рўйхатга олувчи органга ушбу гувоҳноманинг "изоҳлар" графасига бу ҳақда белги қўйиш учун мурожаат қилиши мум-

кин. Ушбу белгини қўйиш ариза асосида амалга оширилади.

Микрокредит олиш учун аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қуйидаги қатламлари устуворликка эга бўладилар:

кам таъминланган оилалар;

таркибида ногиронлар, жумладан, кўзи ожизлар жамияти аъзолари, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликлар билан оғриган шахслар бўлган оилалар;

таркибида икки ва ундан ортиқ иш билан банд бўлмаган аъзолари мавжуд оилалар;

боқувчисини йўқотган оилалар;

ёш оилалар.

Оилавий тадбиркорлик субъектлари "Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига бюджетдан ташқари жамғармалар ва "Микрокредитбанк" кредит линиялари ҳисобидан микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида"ги Низом [3] нинг 28-бандида кўрсатилган оилаларга киритиш фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан оилаларни кўздан кечириш натижаларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади ва микрокредит олиш мақсадида тижорат банкига тақдим қилиш учун белгиланган тартибда маълумотнома берилади.

Оилавий тадбиркорлик субъектларига микрокредитлар (қарз олувчига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун энг кам иш ҳақининг минг баравари миқдоридан ошмайдиган суммада тўловлилик, муддатлилик ва қайтариш шартлари асосида бериладиган пул маблағлари) тижорат банклари томонидан бандлик жамғармаси кредит линияси ҳисобидан берилади. Тижорат банкларида кредит линияси очиш учун банк ва бандлик жамғармаси ўртасида бош келишув тузилади, унда ўзаро мажбуриятлар ва очилаётган кредит линиясига хизмат кўрсатишнинг асосий шартлари, оилавий тадбиркорлик субъектларининг кредитланаётган лойиҳаларига талаблар белгила-нади.

Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси" тижорат банкларида кредит линияларини очиш, кредит ресурсларидан фойдаланган-лик учун фоизлар ҳисоблаш ва тўлаш, кредит ресурсларини қайтариш ва уларнинг ўзаро жавобгарликлари ушбу низомнинг VI-VII-бўлимларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Бунда бандлик жамғармаси томонидан оилавий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш учун ажратилган кредит ресурслари бандлик жамғармаси кредит ресурслари умумий миқдорининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

Оилавий тадбиркорлик субъектларига бериладиган микрокредитларнинг энг кам миқдори минимал ойлик иш ҳақининг 150 бараваригача бўлган миқдорини ташкил этади ва улар 2 йилгача муддатга, қайтариш муддатини узайтириш ҳуқуқисиз берилади. Оилавий тадбиркорликни ташкил этиш учун микрокредитлардан фойдаланганлик учун фоиз миқдори Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасининг 1/4 қисмини ташкил этади.

Микрокредитларни қайтариш 6 ойлик имтиёзли даврни кўзда тутган ҳолда, оилавий тадбиркорлик субъекти бошлиғи ва тижорат банки ўртасида тузиладиган кредит шартномасида белгиланган муддатларда амалга оширилади. Асосий қарзни қайтариш ва ҳисобланган фоизларни тўлаш кредит шартномасига илова қилинган жадвалга мувофиқ амалга оширилади.

Оилаларнинг фаровонлигини ва даромад манбаларини ошириш учун 2012 йилда тижорат банклари томонидан қарийб 80 миллионга яқин, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш учун эса салкам 47 миллиард сўм миқдорида микрокредитлар ажратилгани ҳам ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилади.

Мазкур банклар томонидан мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган маҳсулотлар, ҳусусан, мебель, маиший техника ва бошқа уй-рўзғор буюмларини харид қилиш учун 71миллиард сўмдан зиёд истеъмол кредитлари ажратилгани ёш оилаларнинг рўзғорини бутлашда, уларнинг оёққа туриб олишда катта мадад бўлди, десак янглишмаган бўламиз. Бу тадбирга ҳам, ёш оилаларни тадбиркорлик фаолиятига ундаши эътиборга олинса, тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган иқтисодий сиёсатнинг муҳим узви деб қараш мумкин. Қишлоқларда маиший хизмат кўрсатиш билан шуғулланаётган якка тартибдаги тадбиркорларнинг уч йил муддатга солиқлардан озод этилгани 40 мингга яқин иш ўрнини ташкил этишга имкон бериш билан бирга, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Маълумки, фермер ва деҳқон хўжаликларининг фаолияти ҳам, аслида, оилавий тадбиркорлик шаклида амалга оширилади. Эр ва хотин фермер ёки деҳқон хўжалиги аъзоси бўлса, уларнинг биргаликдаги умумий мулки "Фермер хўжалик тўғрисида" ва "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги қонунлар ва Фуқаролик кодексининг 223-225-моддаларида назарда тутилган қоидалар асосида тартибга солинади.

Амалдаги қоидага бюджетдан ташқари жамғармаларнинг кредит линиялари ҳисобидан ишлаб

чиқаришни кенгайтириш ва фаолиятини ривожлантириш мақсадлари учун микрокредитлар Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган кичик бизнес субъектларига берилиши мумкин. Айни шу тартиб ҳам оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга асос бўла олади. Жумладан, таркибида ногиронлар, шу жумладан, “Кўзи ожизлар жамияти” аъзолари бўлган оилалар ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишда бундан фойдаланиши, муҳими, имтиёзга эга бўлиши мумкин.

Оилавий тадбиркорлик ва хусусий бизнесни янада ривожлантириш борасидаги қонунлар асосида ўтган давр мобайнида ажратилган кредитларнинг умумий миқдори 905 миллиард сўмни, жумладан, хотин-қизларни тадбиркорлик (бу эса кўпроқ оилавий тадбиркорлик шаклида амалга ошади) соҳасига фаол жалб этишга йўналтирилган кредитлар ҳажми 450 миллиард сўмни ташкил этди. Юртимиздаги оилаларга уч йилга мўлжалланган 317 миллиард сўмга яқин истеъмол кредитларининг ажратилгани опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш, аҳолининг турмуш маданиятини оширишга қаратилгани билан айниқса аҳамиятлидир [4.19-20].

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, юртимизда кичик бизнес ва тадбиркорликни, хусусан, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун зарур ҳуқуқий база яратилган. Ҳозирда ушбу имкониятлардан кўплаб оилалар самарали фойдаланмоқда. Яратилган шароит ҳамда кўрсатилаётган ёрдамлардан оқилона ҳамда қонун доирасидан чиқмаган ҳолда фойдаланиш оилаларнинг иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланишига, пировард натижада эса юртимизнинг тинч-тотув, тўкин-сочин, обод турмушининг гарови бўла олади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Президенти И.А Каримовнинг Ўзбекистон халқига янги йил табриги./ Халқ сўзи.- 2013.- 1 январь

2. Каримов И.А. Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлактимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т.19.-Т.: Ўзбекистон, 2011

3. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами.- 2006.- 8-сон.

4. Каримов И.А. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизни янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир.- Т.: Ўзбекистон, 2012

Тошкент давлат юридик институти,
2013 йил 22 февралда қабул қилинган